

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 27 декабрь, № 270 (8893) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН ЕОИИ БЎЙИЧА ШЕРИКЛАР БИЛАН ЯҚИН ВА САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАРАФДОРИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 декабрь куни Санкт-Петербург шаҳрида Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг навбатдаги йиғилишида кузатувчи мақомида иштирок этди.**







Арманистон Республикаси Бош вазири Никол Пашинян раислигида (онлайн форматда) ўтган бу галги учрашувда Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, шунингдек, ЕОИИ ҳузуридаги кузатувчи мамлакат — Эрон Ислом Республикаси саноат, конлар ва савдо вазири Саид Муҳаммад Отабак ҳам қатнашди. Куба Республикаси Президенти Мигель Диас-Канель иштирокчиларга видеомурожаат йўллади.

Кун тартибидан кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, саноат кооперацияси лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, ҳамкорликнинг устувор йўналишларида қўшма дастурларни амалга ошириш масалалари ўрин олди.

Ўзбекистон Президенти сўзининг аввалида сўнгги йилларда мамлакатимиз кузатувчи сифатида Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан 22 та йўналишда самарали ҳамкорликни йўлга қўйганини таъкидлади.

2024 йилда Ўзбекистоннинг иттифоқ мамлакатлари билан товар айирбошлаш ҳажми 11 фоизга ошди. Октябрь ойида Евроосиё иқтисодий комиссияси билан савдо, саноат, молия, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа соҳаларда 40 га яқин чора-тадбирларни ўз ичига олган Янги уч йиллик ҳамкорлик режаси қабул қилинди.

Ўзбекистон, шунингдек, ЕОИИнинг савдо ва юк ташишни рақамлаштириш, электрон тижоратни жорий этиш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш соҳасидаги қатор тармоқ дастурларида фаол иштирок этмоқда.

Келгуси йил март ойида қўшма Ишчи гуруҳининг тўртинчи йиғилишига тайёргарлик кўрилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг устувор йўналишларига алоҳида тўхталди. Хусусан, Президентимиз ўзаро савдодаги савдо тўсиқларини босқичма-босқич бартараф этишга чақирди. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон ва ЕОИИ давлатлари ўртасидаги савдода тариф ва нотариф чекловларни қўлламаслик масаласини экспертлар даражасида ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Амалий ҳаракатлар режасини қабул қилган ҳолда яқин келажакда техник жиҳатдан тартибга солиш тизимларини яқинлаштириш бўйича маслаҳатлашувлар ўтказишга тайёрлик билдирилди.

Ўзбекистон етакчиси тадбир якунида имзоланаётган Ягона божхона транзити тизими тўғрисидаги битимда мамлакатимизнинг иштирок этиши, шунингдек, божхона чегаралари орқали олиб ўтилаётган товарлар ва транспорт воситалари тўғрисида электрон маълумотлар алмашинувини тез фурсатда жорий этиш тарафдори эканини таъкидлади.

Саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштириш дастурларини қўллаб-қувватлаш механизмлари ва воситаларига қўшилишдан манфаатдорлик билдирилди.

— Қўшма лойиҳаларни илгари суриш учун ишончли молиявий манбаларни шакллантириш мақсадида келгуси йил бошида тартиб-таомилларни якунлаб, Евроосиё тараққиёт банкига аъзо бўлишни режалаштирмоқдамиз, — деди Президентимиз.

Бизнесни янада фаол жалб қилиш ва ишбилармонлик алоқаларини мустаҳкамлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ЕОИИ Ишбилармонлар кенгашининг йиғилишини 2025 йил апрель ойида Тошкент шаҳрида ўтказиш таклиф этилди.

Рақамли технологиялар ва сунъий интеллект соҳасида тизимли ҳамкорлик қилиш муҳимлиги қайд этилди. Мамлакатимизни ЕОИИнинг интеграциялашган ахборот тизимига ва «Рақамли иттифоқ» лойиҳасига улаш ташаббуси илгари сурилди.

Аграр соҳада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўзаро етказиб беришни енгиллаштириш, инновацион агросаноат лойиҳаларини амалга ошириш ва илмий ишланмаларни жорий этишга қаратилган кооперация дастурини тайёрлаш таклиф этилди.

Сайёҳлик алмашинувларини рағбатлантириш мақсадида давлатимиз раҳбари ЕОИИ давлатлари фуқароларига Ўзбекистонга ички ҳужжатлар билан кириш имконини берувчи тартибни жорий этишга тайёрлигини билдирди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Санкт-Петербург шаҳрига амалий ташрифи якунланди.

«Пулково» халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Санкт-Петербург шаҳри губернатори Александр Беглов ва бошқа расмий шахслар кузатиб қўйди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли ҳамкасблар!

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

Глобал ва минтақавий таҳдидлар, иқтисодиётдаги беқарорлик ва жаҳон бозорларидаги ўзгарувчанликнинг кучайиши мамлакатларимиз ўртасидаги шерикликни кенгайтиришнинг янги йўлларини янада фаол излашни тақозо этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги бир неча йил ичида Ўзбекистон кузатувчи давлат сифатида ЕОИИ билан 22 йўналишда самарали ҳамкорликни йўлга қўйди. Жорий йилда Иттифоқ мамлакатлари билан товар айирбошлашимиз 11 фоиз ўсди.

Октябрь ойида Евроосиё иқтисодий комиссияси билан Янги уч йиллик режани қабул қилдик, унга савдо, саноат, молия сектори, агромажмуа, транспорт ва бошқа соҳаларда қирқтага яқин аниқ чора-тадбирлар киритилди.

Шунингдек, биз савдо ва юк ташишни рақамлаштириш, электрон тижоратни жорий этиш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш соҳасидаги тармоқ дастурларида фаол иштирок этиш ниятидамиз.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Ҳукумати қўшма Ишчи гуруҳининг навбатдаги, тўртинчи йиғилишига пухта тайёргарлик кўрмоқда. Ушбу учрашувни келгуси йил март ойида Ўзбекистонда ўтказишни таклиф этамиз.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Ўзбекистон билан Евроосиё иқтисодий иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришнинг устувор йўналишлари бўйича қарашларимизни қисқача баён этмоқчиман.

**Биринчи.** Бу савдо тўсиқларини босқичма-босқич бартараф этиш бўйича мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни амалга оширишдир.

Ўзбекистон ва ЕОИИ ўртасида савдода тариф ва нотариф чекловларни ўзаро қўлламаслик тўғрисидаги битимни имзолаш масаласини экспертлар даражасида ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Яқин вақт ичида амалий ҳаракатлар режасини қабул қилган ҳолда техник жиҳатдан тартибга солиш тизимларини яқинлаштириш бўйича маслаҳатлашувлар ўтказишга тайёрмиз.

**Иккинчи.** Ўзбекистоннинг имзоланаётган Ягона божхона транзити тизими тўғрисидаги битимда иштирок этиши ҳам савдо амалиётларини кенгайтиришга хизмат қилади, деб ҳисоблайман.

Мамлакатларимизнинг божхона чегаралари орқали олиб ўтилаётган товарлар ва транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотларни электрон алмашиш бўйича битимларни келишишни жадаллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

**Учинчи.** Бирлашма доирасида бошланган саноат кооперацияси ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларини қўллаб-қувватлаш механизмлари ва воситаларига қўшилишдан манфаатдормиз.

Бундан ташқари, қўшма лойиҳаларни илгари суриш учун ишончли молиявий манбаларни шакллантириш мақсадида келгуси йил бошида тартиб-таомилларни якунлаб, Евроосиё тараққиёт банкига аъзо бўлишни режалаштирмоқдамиз.

**Тўртинчиси.** Рақамли технологиялар ва сунъий интеллект соҳасида тизимли ҳамкорликни кучайтириш ниятидамиз.

Ўзбекистонни ЕОИИнинг интеграциялашган ахборот тизимига ва «Рақамли иттифоқ» лойиҳасига улаш масалаларини биргаликда ишлаб чиқишга тайёрмиз.

**Бешинчи.** Аграр соҳада кооперация дастурини тайёрлаш тарафдоримиз. Гап қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бозорларимизга ўзаро кириб боришини енгиллаштириш, инновацион агросаноат лойиҳаларини амалга ошириш, илғор илмий ишланмаларни жорий этиш чора-тадбирлари ҳақида бормоқда.

**Олтинчи.** Сайёҳлик алмашинувларини рағбатлантириш мақсадида Бирлашма давлатлари фуқароларига мамлакатимизга ички ҳужжатлар билан кириш имконини берувчи тартибни жорий этиш ниятидамиз.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Ўзбекистон мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш мақсадида ЕОИИ бўйича шериклар билан яқин ва самарали ҳамкорликни ривожлантириш тарафдори.

Фурсатдан фойдаланиб, ҳурматли Александр Григорьевич Лукашенкони ташкилотга раислик Беларусга ўтиши муносабати билан табриклайман ва унга муваффақиятлар тилайман.

Барчангизни, қардош халқларимизни кириб келаётган Янги йил билан яна бир бор самимий табриклаб, фаровонлик ва равнақ тилайман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОЗАРБАЙЖОН ПРЕЗИДЕНТИГА ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 декабрь куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевга Оқтоу шаҳри яқинида йўловчи самолёти ҳалокати оқибатида кўплаб инсонлар қурбон бўлгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.**

Давлатимиз раҳбари Озарбайжон етакчиси орқали ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига самимий ҳамдардлик ва далда сўзларини йўллади, жабрланганларнинг барчаси тез фурсатда соғайиб кетишини тилади.

**ЎзА.**

# ИЛМ-ФАН РАВНАҚИ БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

*Ўзбекистон Фанлар академияси ўз фаолиятини 1943 йилда бошлаган эди. Академия ташкил топган даврдан бери илмий тадқиқотларни амалга ошириш, янги ташаббусларни ҳаётга татбиқ этишда олимлар турли воқеликларни, қўллаб-қувватлашдан тортиб эътибордан бутунлай узоқда қолишгача бўлган кунларни бошидан ўтказди.*

**Нуқтаи назар**

Умримнинг катта қисми Фанлар академиясининг Математика институти билан боғлиқ. Орқага назар ташласам, катта ютуқларимиз билан бирга синовларга тўла кунлар ҳам ёдимга тушади. Олимлар турли босимларга, молиявий қийинчиликларга учраб, илм йўлини ташлаб кетган ҳолатлар ҳам бўлди. Фақат фидойиларгина ҳар қандай даврда ҳам садоқат билан илмда қолди. Фанлар академияси ҳам парчаланиб, илмий-тадқиқот институтлари йўқ бўлиб кетаётган бир даврда юртимиз бошига илмни қадрлайдиган, олим аҳлидан чиққан раҳбар келдики, 2017 йилдан соҳада янги давр бошланди.

Мозий бисотига боқсангиз, Шарқда ренессанслар давлат тепасига одил, илмли, олимларни қадрлайдиган инсонлар келиши билан бошланган, янги кашфиётлар ва ўзгаришларга шароит яратиб берилгани сабаб мамлакатлар гуллаб-яшнаган.

Аслида таълим ва тарбия ҳар қандай давлат ва жамият учун муҳим аҳамиятга эга. Юртбошимиз таълимни мактабгача бўлган даврда бошлашимиз лозимлигига доимо урғу беради. Узоқ йиллардан буён ёшлар билан ишлаётган инсон, ҳаётни кузатувчи олим сифатида айтишим мумкинки, одам боласи дунёга келганидан бошлаб тўғри тарбия топмас экан, унга таълимнинг илк босқичидан асл билимлар берилмас экан, кейин кеч бўлади!

Биз мактаб таълимида турли мамлакатлар тажрибаларини синовдан ўтказдик. Ўқитувчи ва мураббийларнинг қадри, ойлик маоши ва савиясига кўп эътибор қаратилмаган даврлар ҳам бўлди. Бир вақтлар мактабларда эркак ўқитувчилар деярли қолмади. Фидойи касб эгалари меҳнатидан роса фойдаланилди. Улар далада ҳам, тадбирлар ташкил этишда ҳам, оғир меҳнат шароитларида ҳам ишлашга мажбур бўлди. Бунинг асоратлари бугун ҳам йўқолган эмас. Таълимда оқсаётган жиҳатларимиз борки, мен уларни ўша оғриқли кунларнинг аччиқ меваси, деб биламан.

➡ 2

# БАРҚАРОР ЎСИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

**асосий капиталга киритилаётган инвестициялар ҳажмининг ортиши ҳисобига таъминланмоқда**

*Мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти, аввало, фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган бўлиб, янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳам айни шу ҳақиқат ўз аксини топган. Шундан келиб чиқиб давлатимиз томонидан бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун барча зарур шарт-шароит яратилмоқда.*

Бугунги кунда иқтисодиётимиз ривожи тадбиркорлик фаолияти эркинлиги, мулкчилик шакллари тенглиги ва ҳуқуқий ҳимоясига асосланган. Бунда давлат қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирларни изчил амалга оширмоқда.

Қайд этиш керакки, сўнгги йилларда чуқур ўйланган тизимли иқтисодий ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари кузатиляпти. Жумладан, 2024 йилда Ўзбекистон иқтисодиёти 6,5 фоизга ўсади. Мутахассислар ва халқаро молия институтлари экспертларининг баҳоларига кўра барқарор иқтисодий ўсиш тренди асосий капиталга киритилаётган инвестициялар ҳажмининг тобора ортиб бориши ҳисобига таъминланмоқда.

Статистик маълумотларга кўра 2016 — 2023 йиллар мобайнида мамлакатимизда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми етти баробар ортиб, 356071,4 миллиард сўмни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич аҳоли жон бошига ҳисоблаганда олти каррага ошиб, ўн миллиардга яқинлашди — 9778,8 миллион сўм.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар таркибида сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда. Шуниси эътиборлики, бунда энг катта ўзгариш хорижий инвестициялар ва кредитлар улушининг ошишида кузатилди. Ушбу кўрсаткич 2017 йилдаги 20,7 фоиздан 2,7 баробардан кўпроққа ортиб, 56,7 фоизга етди.

Мамлакат инвестициявий фаоллигининг муҳим кўрсаткичи асосий капиталга киритилган умумий инвестициялар ҳажмининг ЯИМга нисбати кўрсаткичидир. Хусусан, агар 2016 йилда бу кўрсаткич 20,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2023 йил якунига кўра у 33,4 фоизгача ортди.

➡ 2

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

# МАҲАЛЛА БАНКИРИ ТИЗИМИ ҚАНДАЙ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ?

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси томонидан “Банк хизматлари орқали маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш бўйича амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги вазифалар юзасидан” эшитув ўтказилди. Унда қўмита аъзолари, сиёсий партиялар фракциялари вакиллари, Марказий банк ва тижорат банклари раҳбарлари, тегишли вазирликлар масъул ходимлари иштирок этди.*

Эшитувда дастлаб шу йил 16 декабрь куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида банк хизматлари орқали маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижроси юзасидан тижорат банклари олдида турган долзарб вазифалар бўйича Марказий банк раиси ўринбосарининг ахбороти эшитилди.

Ахборотда оилавий тадбиркорлик дастурини амалга ошириш орқали даромадли бизнесга кенг йўл очиш, синовдан ўтган мижозларни қўллаб-қувватлаб, уларни кичик ва ўрта бизнес даражасига олиб чиқиш, фаол тадбиркорлар иштирокида туманларда баликчилик, қуёнчилик, чорвачилик ва асаларичилик бўйича кооперациялар ташкил қилиш, хусусий шериклар топиб стартапларни бизнесга айлантирадиган акселераторларни очиш бўйича келгуси йилда тижорат банклари олдида турган долзарб вазифалар мазмунан очиб берилди.

➡ 2

# ИЛМ-ФАН РАВНАҚИ БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

1

## Замонга ҳамнафаслик ва илғор ёндашувлар

Бугун мактабгача, мактаб, олий таълим, академик таълимнинг барча босқичига эътибор кучайтирилди. Маблағ ва имкониятлар берилмоқда. Давлат ва нодавлат таълим муассасалари кўпайиб, ёшларнинг ўқишига имконият кенгайди. Ўзбек ёшлари ўз билим ва истеъдоди билан дунёга юз тутмоқда.

Олимларимиз халқаро майдонда ҳам ўз илмий салоҳиятларини намоён этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида бугунги кунда 35 та илмий ташкилот, 210 та илмий лаборатория ва бўлимлардаги амалга оширилаётган тадқиқотлар билан танишсангиз, ўзбек олимлари дунё олимлари билан тенгма-тенг, ҳамнафас илмий изланишлар қилаётганига гувоҳ бўласиз.

Ўтаётган 2024 йилда Фанлар академияси аъзолари томонидан эълон қилинган илмий мақолалар сони 2350 тани, нуфузли журналларда 750 тани ташкил этади. Чоп қилинган монографиялар 45 та, янги ишланмалар учун олинган патентлар миқдори эса 60 тани кўрсатмоқда. Тижоратлаштирилган маҳсулотлар сони 50 дан ортиқ.

Бугун илм-фанда ёшлар сонининг ортаётгани илмий ташкилотларимизда олий ўқув юртидан кейинги таълимда стажёр-тадқиқотчилик мактабининг қайта тиклангани, таянч докторантура ва докторантурага кўпроқ ўрин ажратилаётгани ҳам сабаб бўлмоқда.

Илмда хотин-қизларга алоҳида аҳамият берилаётгани боис бугун олима аёллар сафи ҳам тобора ортиб бормоқда. Аслида оила ва иш ташвишларидан ортиб илмий тадқиқот билан шуғулланиш аёл киши учун улкан жасорат деб биламан. Ҳамиша олима қизларимизни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиламан. Жорий йилда ҳам жами 461 нафар ёшни Фанлар академияси тизимида илмий фаолият билан шуғулланишга жалб этиш режалаштирилган. Жумладан, докторантурага 53 та, таянч докторантурага 282 та, мақсадли докторантурага 4 та, мақсадли таянч докторантурага 22 та, стажёр-тадқиқотчиликка 100 та ўрин ажратилган.

Илм-фанга юксак эътибор берилаётган шундай юртда соҳа ривожи учун барчамиз жипслашиб, қўлни-қўлга бериб ҳаракат қилмоғимиз лозим.

## Ишонч ва эътибор меваси

Академия тизимидаги барча илмий ташкилотларда фаолият юритаётган олимлар доим изланишда, ҳаракатда.



Кейинги йилларда билдирилган ишонч, кўрсатилаётган ғамхўрлик ўз самарасини бермоқда.

2024 йилда сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги илмий-тадқиқот институтларининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш борасида Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Сейсмология институти олимлари Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан ҳамкорликда тадқиқотлар олиб бормоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг 11 та йирик шаҳарида кучли зилзилалар ҳақида эрта огоҳлантирувчи миллий тизим тест режимида ишга туширилди.

Олимларимиз томонидан "Мактабгача таълим тарбияланувчилари учун зилзиладан ҳимояланишни ўргатувчи мультимедиали таълим ресурсларини яратиш" бўйича дастурий таъминот ишлаб чиқилиб, таълим жараёнларида фойдаланиш учун Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига тақдим этилдики, фарзандларимиз турли офатлардан ҳимояланишни ўрганишлари бугун долзарб масала.

Майданак обсерваторияси базасида субмиллиметр диапазонидаги ер ва космик радиоастрономиясини ривожлантириш бўйича ишлар амалга оширилди.

Тилшунос олимларимиз томонидан илмий асосланган янги сўз ва атамалар ишлаб чиқилди ва расмий истеъмолга киритиш мақсадида Фанлар академияси веб-сайтига жойлаштирилди. Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти олимлари бугун ўзларининг машаққатли меҳнатлари, бедор тунлари эвазига ўзбек тили ривожи учун хизмат қиладиган қатор лойиҳалар ва тадқиқотларни амалга оширмоқда. Жумладан, "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари" 100 жилдлигининг 31 — 40 жилдлари тайёрланиб, нашриётга тақдим этилди. Саид Муҳаммад Алихон девони илмий-изоҳли матни ва қўлёзмалар факсимилеси нашр қилинди.

Тарих институтида Ҳарбий тарихни ўрганиш маркази ташкил этилди.

Биоорганик кимё институти олимлари хорижлик соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда саратон касаллигини эрта аниқлайдиган диагностик асбоб устида тадқиқот ишларини бошлашди. Тадқиқотларнинг илк ижобий натижаларига ҳам эришилди.

Ботаника институти ва Ботаника боғи олимлари ҳамкорлигида янги биотехнология лабораторияси очилди. Эндиликда ноёб ўсимликлар ва дарахтларнинг уруғларини етиштириш ва кўпайтириш борасидаги ишлар кўлами янада кенгаяди.

Академиянинг Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти олимлари словакиялик палеонтологлар билан олиб борган илмий экспедициясида Оролбўйидан динозавр излари ва динозавр боласининг суякларини топишга муваффақ бўлишди. Ушбу ноёб топилмалардан экспозиция ташкил этиш режалаштирилмоқда. Бу экспозиция хорижлик меҳмонлар учун ҳам жуда қизиқарли бўлиши табиий, шу билан бирга, Оролбўйи нақадар улкан тарихий жараёнларга гувоҳ эканини ҳам кўрсатади.

> *Ўтаётган 2024 йилда Фанлар академияси аъзолари томонидан эълон қилинган илмий мақолалар сони 2350 тани, нуфузли журналларда 750 тани ташкил этади. Чоп қилинган монографиялар 45 та, янги ишланмалар учун олинган патентлар миқдори эса 60 тани кўрсатмоқда. Тижоратлаштирилган маҳсулотлар сони 50 дан ортиқ.*

## Порлоқ келажакни ёшлар яратади

Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятларида 5 мингдан ортиқ ёшларни қамраб олган "Илм-фан эртасини ёшлар яратади" мавзуидаги академиклар ва ёшлар конгресси ўтказилди. Айнан мана шу конгресс давомида ёшлар билан учрашар эканмиз, уларнинг кўзларидаги шижоат, илмга иштиёқ яшаш, ҳаракат қилиш истагимизни янада кучайтирмоқда.

Йил давомида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида мактаб ўқувчилари билан учрашдик — навқирон авлодда илм олишга истак баланд. Айниқса, Президент мактаблари, ихтисослаштирилган таълим муассасаларида кўзлари ёниб турган кўп ёшларни учратамиз. Турли тилларда равон сўзлайдиган, турли фанлардан чуқур билимга эга бу ўқувчилар қалбларимизда фахр-ифтихор уйғотади.

Бугун ахборот технологиялари, сунъий интеллект ривожланмоқда. Киберхавфсизлик масаласи ҳам мураккаб тус олмоқда. Барча соҳада дастурий таъминотларга эҳтиёж сезилмоқда. Муҳандислик йўналишида ҳам ўзгаришлар катта. 2021 йилдан бошлаб водород энергетикаси соҳасини ривожлантириш бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда. Бироқ ушбу соҳага юқори малакали муҳандис-технолог ва конструкторлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилмаган. Ҳаётимиз фаровонлиги, яхши турмуш шароитини яратиш учун техника-технология зарурати бор экан, уларни қўллай биладиган мутахассис кадрларга ҳам эҳтиёжимиз ортмоқда. Хорижда таҳсил олаётган, Ўзбекистонда ўз илмий изланишлари билан шуғулланаётган ёшлар бизнинг умидимиз, ягона нажотимиздир. Бу йўналишларда кучли кадрлар тайёрлашга эса барчамиз масъулмиз.

Давлатимиз раҳбари жон куйдириб, илм-фанни кучайтиришимиз шарт демоқда. Ўзбек илм-фани олдига ҳам қатор янги вазифаларни қўйди. Айниқса, хорижда таҳсил олаётган, илм билан шуғулланаётган ёшларимиз учун мамлакатимизда шароитлар яратиш, уларнинг интеллект ва қобилиятидан унумли фойдаланиш механизмини ишлаб чиқиш масаласи долзарб вазифа бўлиб турибди. Академик таълим сифатини янада ривожлантириш зарурати юқори. Академия негизида илғор хорижий тажрибалар асосида магистр ва докторантларни тайёрлашга ихтисослаштирилган Фанлар академияси университетини ташкил этиш ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу "2+3" дастурини (яъни икки йиллик магистратура ва уч йиллик докторантура) ишга туширишимизга асос бўлиб хизмат қилади. Бу ҳар жиҳатдан етук олимларни тайёрлашга замин яратишига ишончимиз комил.

## Ҳар бир ғоя ва янгилик тараққиётга хизмат қилади

Академия YUNESKO, MAGATE, TWAS, Фанлар академиялари халқаро ассоциацияси каби нуфузли ташкилотлар, АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Жанубий Корея, Хитой, Россия ва бошқа мамлакатларнинг академиялари билан самарали алоқалар ўрнатган. Бу ҳамкорлик масалаларига янада жиддий қарашимиз шарт.

Илм чегара ва тил танламайди. Хорижда таҳсил олаётган ватандошларимиз тақдирига ҳам бефарқ бўлмаслигимиз лозим. Фанлар академияси президенти сифатида фаолиятимни бошлаган илк кунларимданоқ ёшларга ўз мурожаатимни йўлладим: "Ўзбекистон Фанлар академияси сизга ўз ёрдамини беришга тайёр. Биз илмий изланишларингизни амалга оширишда, лойиҳа ва ташаббусларингизни қўллаб-қувватлашда доим ҳамкор бўламиз... Ҳар бир ғоя, ҳар бир янгилик мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилади", дея дунёнинг қайси нуқтасида бўлмасин илм-фан билан шуғулланаётган фарзандларимизни, ёшларни бирдамликка чорладим.

Бугун тиббиётда, таълимда, иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалигидаги муаммоларимизни ҳеч ким четдан келиб ечиб бермайди. Бу каби долзарб муаммоларни шу заминда туғилган, ота-бобосининг хоки ётган муқаддас тупроқ учун, Ватан учун ҳаракат қилишни истаган ҳар бир ёш бирлашиб ҳал этади. Биз катта авлод вакиллари уларга қанот ва куч бўлмоғимиз керак.

Илм-фан ривожланмас, соҳага кучли ёшлар кириб келмас экан, мамлакатда бошқа бирор тармоқнинг тараққий этишидан умидвор бўла олмаймиз. Соҳада бизни қийнаётган масалалар ҳам бор. Мисол учун, илмий муассасалар ўртасида аниқ мувофиқлаштириш йўқ. Инфратузилманинг эскиргани, ёш мутахассислар етишмаслиги — буларнинг барчаси илм-фан имкониятларига тўсқинлик қилаётган омиллар. Баъзи илмий ташкилотларимиз ҳануз замонамизнинг шиддатли воқелигига мос келмайдиган эски моделлар, қолиплар бўйича ишламоқда. Шунингдек, кадрлар масаласида катта муаммоларга дуч келмоқдамиз. Ёш олимларимиз кўпроқ университетларда, жумладан, хусусий олийгоҳларда ишлашни афзал билмоқда. Уларга институтларимизда шароитларни ҳозирлашимиз, моддий мустақилликка эришиши, мақсадларига тезроқ етишига имкон беришимиз керак. Олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш жараёнидаги омилларни бирлаштириш, мамлакат учун етук кадрлар, салоҳиятли олимларни тайёрлаш учун ушбу тизимларда фаолият юритаётган ҳар бир инсон масъул деб биламан.

Ривожланиш учун бирлашмоқ керак. Академиянинг тарих силсиласидан ўтиб келаётган илдизи бақувват илмий мактабларини замонавий билимлар билан бойитиб, келажак авлодларга муносиб мерос қолдирмоқ бурчимиздир.

**Шавкат АЮПОВ,**
**Ўзбекистон Фанлар академияси президенти, академик, Ўзбекистон Қаҳрамони, сенатор.**



# МАҲАЛЛА БАНКИРИ ТИЗИМИ ҚАНДАЙ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ?

1

Йиғилишда депутатлар шароити оғир туманларда ишсизликни камайтириш борасидаги муаммоларга эътибор қаратди. Хусусан, ривожланиш даражаси суст бўлган ҳамда қизил тоифага кирган туманларга бошқа ҳудудлардан тажрибали тадбиркорларни жалб қилиб бандликни таъминловчи ҳамда барқарор даромад манбаини яратувчи лойиҳаларни амалга оширишда тижорат банкларининг режалари билан қизиқди.

Халқ вакиллари томонидан бандликни таъминлаш ҳамда қўшимча даромад манбаини яратиш учун ажратилган ерлардан фойдаланиш самарадорлиги пастлигига урғу берилди. Шу боис бундай ерларни йирик контурга бирлаштириб етакчи тадбиркорларга иккиламчи ижарага бериш бўйича Президентимиз белгилаб берган вазифалар қўллаб-қувватланди.

Муҳокамада тижорат банклари раҳбарлари келгуси йилда банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, ташқи манбалардан маблағ жалб қилиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар бўйича режаларини баён қилишди. Микромолия ва факторинг хизматлари орқали тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ушбу мақсадларда хорижий инвесторларни жалб қилишда белгиланган чора-тадбирлар бўйича маълумот берилди. Шунингдек, маҳалла банкирлари фаолиятини йўлга қўйиш, маҳалланинг бизнес имкониятларини ўрганиш ва уларни тегишли лойиҳалар орқали рўёбга чиқаришга оид режалари билан ўртоқлашди.

Йиғилишда банклар олдидаги муаммолар ҳам таҳлил қилиниб, уларни ҳал этиш чоралари бўйича депутатлар ўз таклиф ва тавсияларини берди. Хусусан, банклар балансида бўлган ҳаракатсиз мулкларни бозор қийматида тўғридан-тўғри сотишнинг ҳуқуқий жиҳатлари батафсил кўриб чиқилди. Банклар томонидан гаровга олинган гаров нарсасига бўлган ҳуқуқлар устуворлигини таъминлашдаги муаммолар ва қонунчилик ҳужжатларида ўзаро номувофиқликлар мавжудлигига ҳам эътибор қаратилди.

Иштирокчилар мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида тақдим этилган мол-мулкка нисбатан кредиторлар ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлаш, гаровга қўйилган мол-мулкни аукцион орқали сотиш жараёнларини соддалаштириш, гаров билан таъминланган мажбуриятларни суддан ташқари тартибда ундириш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси тайёрланганини маъқуллади.

Лойиҳа билан Фуқаролик кодекси, "Гаров тўғрисида"ги, "Ипотека тўғрисида"ги, "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги ҳамда "Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида"ги қонунларда кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини қаноатлантиришни такомиллаштиришга қаратилган ҳуқуқий нормалар акс эттирилаётгани маълум қилинди. Бу кредиторлар ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Эшитув якунида давлатимиз раҳбари белгилаб берган вазифаларни амалга ошириш ҳамда уларнинг ижроси устидан самарали парламент назоратини ўрнатиш бўйича тегишли қарор қабул қилди.

# КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ САМАРАСИ

*Сўнгги йилларда мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсат олиб борилмоқда. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш иқтисодий ислоҳотларнинг узлуксиз устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу масалага жамиятда барқарорлик ва адолатни таъминлашнинг муҳим асоси деб қаралмоқда.*

## Фикр

Янги таҳрирдаги Конституциямизда "Ўзбекистон — ижтимоий давлат" экани белгилаб қўйилди. Бу йўналишдаги мажбуриятлар билан боғлиқ нормалар уч баробар кўпайтирилди. Шунга мувофиқ қонунлар ҳам такомиллаштирилиб, Президентимизнинг қатор Фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармони билан Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ташкил этилгани муҳим тарихий воқелик бўлди. Барча ҳудудда, жумладан, 208 та туман (шаҳар)да "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари очилгани ва ҳар бир маҳаллада ижтимоий ходимлар фаолияти йўлга қўйилгани, "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимининг жорий қилингани бундай хизматларни аҳолига яқинлаштириб, улардан фойдаланиш қулайлигини янада оширди. Натижада маҳалла даражасида 12 тоифадаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга юздан ортиқ ижтимоий хизматлар ҳамда ёрдамлар кўрсатиш тизими яратилди.

Жорий йилда "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали 1 208,8 мингта кам таъминланган оилага болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинланган. Ўтган йилнинг май ойидан бошлаб жорий этилган 648 минг сўмлик моддий ёрдам билан 7 мингдан ортиқ ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар қамраб олинган бўлса, 1,1 млн. кам таъминланган эҳтиёжманд оилага электр энергиясига бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди.

Эндиликда ногиронлиги бўлган шахслар протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини электрон тарзда ўзлари танлаб олиш имкониятига эга бўлди. Бундай воситаларнинг турлари 18 тадан 30 тага етказилгани, уларнинг сифати яхшилангани, тўлов учун бериладиган маблағлар миқдори ўртача 10 бараваргача оширилгани, ваучер тизими жорий қилингани натижасида кўплаб оворагарчиликларга барҳам берилди.

Яқинда давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ишлар натижадорлиги ҳамда 2025 йил учун устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилишда илгари сурилган ташаббуслар, белгиланган чора-тадбирлар ушбу йўналишда янги бир даврни бошлаб берди. Улар доирасида келаси йилнинг ўзида 1 млн. 200 минг нафар аҳолини камбағалликдан чиқариш учун таълим, тўгарак, касб-ҳунар, тиббиёт масалаларини ҳал қилиш ва яшаш шароитини яхшилаш, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларни тўлақонли ҳаётга қайтаришга қаратилган вазифалар белгиланди.

Хусусан, "Ижтимоий карта" жорий этилиб, бу ижтимоий ёрдам олувчи фуқароларга катта енгиллик бўлди. Чунки у билан жамоат транспортида бепул юриш, электр, газ ва ўқиш харажатига компенсация олиш имкони яратилди. Нафақа ва ёрдам пулларини ҳам шу карта орқали олиш билан бирга, энди улар имтиёзга эгалигини тасдиқловчи ўнга яқин ҳужжатларни кўтариб юришга мажбур бўлмайди. Бундан ташқари, бундай картанинг жорий этилиши, ажратилаётган маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланишини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Биз, парламент вакиллари юртимизда камбағалликни қисқартириш, ижтимоий ҳимояни маҳалла даражасида ташкил этиш, унинг манзиллилиги ҳамда самарадорлигини ошириш каби ишларда камарбаста бўламиз. Белгиланган дастурлар ижроси устидан маҳаллий Кенгашлар депутатларини, ижро тизими вакилларини жалб қилган ҳолда парламент назоратини ҳам кучайтириш асосий вазифаларимиздан бири бўлиб қолаверади.

**Зумрад БЕКАТОВА,**
**Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор.**

# БАРҚАРОР ЎСИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

## асосий капиталга киритилаётган инвестициялар ҳажмининг ортиши ҳисобига таъминланмоқда

1

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йил 19 декабрда ўтказилган йиғилишда Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган инвестициялар ҳажми 2024 йилда 1,3 баробар ўсиб, рекорд даражадаги 36 миллиард АҚШ долларидан ошганлиги қайд этилди. 2017 йилдан эътиборан барча манбадан мамлакат иқтисодиётига 188 миллиард доллар инвестиция жалб қилинди, шундан 87 миллиардини ёки 46 фоиздан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди.

Ушбу рақамлар мамлакатимиз иқтисодиётига инвестицияларни, хорижий сармояларни жалб қилиш бўйича мақсадли ишлар олиб борилаётганининг далилидир. Айниқса, мураккаб ва ўзгарувчан халқаро вазият шароитида инвестиция оқимларини жалб этиш ва муваффақиятли ўзлаштириш алоҳида саъй-ҳаракатларни талаб қилади.

Жозибадор инвестиция муҳити ва бизнес учун барқарор шароитларни таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларимизга нисбатан муносиб баҳо нуфузли халқаро ташкилотларнинг кўплаб ҳисоботлари ва нашрларида берилган. БМТнинг Савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси (ЮНКТАД) томонидан 2021 йил декабрда эълон қилинган "Ўзбекистоннинг инвестиция сиёсати шарҳи", Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ)нинг 2023 йилнинг май ойида чоп этилган "Ўзбекистондаги ишбилармонлик муҳитига назар" ҳисоботи шулар жумласидан.

Шуни таъкидлаш лозимки, халқаро экспертлар ва молиявий институтлар, анъанага кўра танқидий таҳлилдан ўтказиш билан бирга, мамлакатимиз ислоҳотлари самарасига юқори ижобий ва холис баҳо бермоқда. Шу боис жалб қилинаётган инвестицияларнинг ҳажми ва сифати изчил ўсиб бораётгани халқаро ҳамжамият томонидан ҳам алоҳида эътироф этилмоқда. Бунга мисол сифатида АҚШ Давлат департаментининг жорий йил августда эълон қилинган Ўзбекистондаги инвестиция муҳити тўғрисидаги ҳисоботини келтириш мумкин.

Ушбу қамрови кенг ва батафсил ҳужжатда бугунги кунда "Ўзбекистон — динамик ривожланаётган иқтисодиёт" эканлиги таъкидланган. Ҳужжатда давлатнинг барча саъй-ҳаракати мамлакатда қулай инвестиция муҳитини шакллантиришга қаратилганлиги ҳақида сўз юритилиб, "Ўзбекистон ҳукумати тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни мамлакатни ривожлантириш сиёсатининг улкан мақсадларига эришиш, яъни камбағалликни тугатиш ва 2030 йилга бориб ўрта даромаддан юқори даромадга эга бўлган мамлакатлар тоифасига кириш учун ғоят муҳим восита деб ҳисоблайди", дея қайд этилади.

Ҳисобот муаллифлари мамлакатимизнинг инвесторлар учун "бошпана"га айланиш истиқболлари ҳақида гапирар экан "...Ўзбекистон 37 миллион кишилик улкан ва тез ўсаётган ички бозори, турли табиий ресурсларнинг мўллиги ва нисбатан ривожланган инфратузилмаси туфайли минтақанинг иқтисодий етакчиларидан бирига айланиш салоҳиятига эга. Америкалик инвесторлар Ўзбекистонга аввалгидан кўра кўпроқ эътибор билан қарай бошладилар", деб ёзади.

АҚШ Давлат департаментининг фикрича, ҳозирги вақтда Ўзбекистонда "...инвестицияларни жалб этиш ва ташқи савдони диверсификация қилиш, ички истеъмолни рағбатлантириш, доимий иш ўринлари яратиш ва мувозанатли пул-кредит сиёсатини олиб бориш орқали фаровонликни ошириш ҳисобига барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш..."га қаратилган вазмин сиёсат олиб борилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз кўплаб хорижий инвесторлар ва халқаро молия институтларини жалб қилаётганлигининг сабаби "2017 йилда бошланган ислоҳотлар Ўзбекистонни кутилмаган ташқи геосиёсий ва экологик ўзгаришларга нисбатан бардошлироқ бўлишини таъминлади..." деб изоҳланган. Таъкидланганидек, мамлакат ҳукумати инвестиция оқимларининг ўсиши учун қулай шароитларни ривожлантириш йўлида доимий саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда.

Хорижий инвестициялар оқимини кўпайтириш учун қонунчилик даражасида "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган ва самарали ишламоқда. Унга кўра мамлакатда инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоялаш, давлат органлари, хориждаги дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалари томонидан инвесторларга маслаҳат бериш ва ахборот жиҳатидан ёрдам кўрсатишнинг мукаммал тизими йўлга қўйилган.

Самарали инвестиция сиёсатини олиб боришда парламентнинг роли муҳим. Бунда депутатлар корпусидан қонун ҳужжатлари ижросини самарали назорат қилиш билан бир қаторда тегишли лойиҳалар амалга оширилиши жараёнини, инвестицияларнинг жойларда ўз вақтида ва самарали ўзлаштирилиши бўйича ҳам назорат олиб бориши талаб этилади. Шу билан бирга, парламент аъзолари олдида инвестиция қонунчилигини такомиллаштириш ва уни Жаҳон савдо ташкилоти талабларига мувофиқлаштириш бўйича салмоқли вазифалар турибди.

Инвестиция жараёнлари, минтақавий ҳамда тармоқ даражасида инвестиция оқимлари мамлакат Президентининг доимий эътибори марказида. Жумладан, яқинда ўтказилган йиғилишда келгуси йилга режалар белгиланиб, унга кўра 43 миллиард доллар миқдорида инвестицияларни ўзлаштириш режалаштирилган.

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясига асосан 250 миллиард долларга тенг инвестицияларни ўзлаштириш, 110 миллиард доллар миқдорида хорижий инвестициялар жалб этиш каби муҳим мақсадлар қўйилмоқда. 150 миллиард доллардан ортиқ ҳажмда технологик ва инфратузилмавий 500 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, экспорт ҳажмини икки баробар ошириш ва уни 45 миллиард долларга етказиш имконини яратади. Ушбу саъй-ҳаракатлар ва кенг кўламли ислоҳотларнинг давом эттирилиши натижасида улкан мақсад — мамлакат ЯИМ умумий ҳажмини 200 миллиард долларга етказиш ва ўрта даромаддан юқори даромадга эга бўлган мамлакатлар тоифасига кириш учун мустаҳкам замин яратилади.

**Дурбек АҲМЕДОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

# «ESCROW» УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИДА АҲОЛИ МАБЛАҒЛАРИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ

*Жорий йилда Ўзбекистон аҳолиси 37 миллиондан ошиб, 215 мингта оила пайдо бўлгани, шубҳасиз, фуқароларнинг уй-жойга талабини кўпайтиради. Ушбу йўналишда юртимизда муайян ишлар қилиниб, ажратилаётган маблағлар ҳажми йил сайин ошиб бормоқда. Бироқ соҳада тўлов тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш зарурати мавжуд.*

Яқинда Президентимиз уй-жой қурилишида аҳоли маблағларини кафолатлаш тизимига оид тақдимот билан танишиш давомида бу бўйича аниқ, мақсадли вазифаларни белгилаб берган эди. Билдирилган таклифлар маъқулланиб, бу борада ҳуқуқий асос яратиш, мазкур тизимни қурилишга алоқадор вазирлик ва идораларда интеграция қилиш бўйича кўрсатмалар берилганди.

Шу муносабат билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси томонидан уй-жой қурилишида "Escrow" тизими асосида аҳоли маблағларини кафолатлаш масаласи бўйича эшитув ўтказилди.

Унда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги ҳамда бошқа вазирлик, идораларнинг уй-жой сотиб олишда аҳоли маблағларини кафолатлаш тизими юзасидан ахбороти эшитилди.

Таъкидлаб ўтилганидек, кейинги йилларда қурилиш соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, барча босқичда шаффофликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар изчил амалга оширилиб, соҳага доир кўплаб Фармон ва қарорлар имзоланди. Янги таҳрирда қабул қилинган Шаҳарсозлик кодекси мазкур йўналишда янги даврни бошлаб берди.

Йиғилишда уй-жой сотиб олишда аҳоли маблағларини кафолатлайдиган "Escrow" тизимининг аҳамиятли жиҳатларига эътибор қаратилди. Қайд этилганидек, мазкур тизимга кўра буюртмачи ва тижорат банки ўртасида тузиладиган шартномага асосан ҳар бир қурилиш иншооти бўйича "Escrow" ҳисобварағи очилади. Кўчмас мулк учун келишилган маблағлар ушбу ҳисобварақ орқали амалга оширилади. Унда йиғиладиган маблағлар асосида тижорат банклари буюртмачига пасайтирилган фоизда кредит тақдим этади. Қурилиш битгач харидорнинг ҳисобварағидаги пул девелопер ташкилотга ўтказилади. Қурувчи ўз мажбуриятини бажармаган тақдирда, бу пул эгасига қайтариб берилади. "Escrow" ҳисобварағида турган маблағларга ундирув қаратилмайди. Бу тизим аҳолининг қонун устуворлигига ишончини орттиради.

Депутатлар қурилиш объектлари таннархини камайтириш, рақамлаштириш, қурилиш ҳужжатларининг кўриб чиқилиш муддатларини қисқартириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолатини муҳокама қилди. Мазкур масалалар юзасидан қатор таклиф ва тавсиялар берилди.

"Escrow" тизими томонлар ўртасидаги ишончни таъминлаш, ҳар икки тарафнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда молиявий муносабатларни хавфсиз, аниқ ва самарали рўёбга чиқаришга хизмат қилиши қайд этилиб, бу борада ҳуқуқий асос яратиш зарурлиги таъкидланди.

Якунда уй-жой сотиб олишда фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонунчилигимизга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича устувор вазифалар белгилаб олинди.

**«Халқ сўзи».**

**Умумтаълим мактабларида қишки таътил 29 декабрдан бошланади.**

Хушхабар

# ЮРИДИК ТЕХНИКУМ БИНОСИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

*Қашқадарё вилояти юридик техникуми Президентимизнинг 2020 йил 30 апрелдаги тегишли Фармонига асосан ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда муассасада 335 нафар ўқувчи учта йўналишда таҳсил олмоқда.*

Таъкидлаш жоизки, ўша вақтда техникум учун ҳудуддаги собиқ касб-ҳунар коллежларидан бирининг бўш қолган биноси ажратиб берилган, бироқ у таъмирталаб, мавжуд шарт-шароитлари эҳтиёжга жавоб бермасди.

Ўтган йили Адлия вазирлиги ташаббуси билан техникум биносини таъмирлаш бошланди. Қурилиш-бунёдкорлик ишлари жараёнида техникумнинг 2 та ўқув иншооти, маъмурий бино, ошхона, кутубхона ва ёрдамчи бинолари тубдан қайта таъмирланиб, замонавий кўринишга келтирилди. Сўнгги русумдаги компьютерлар, ўқув-услубий қуроллар, зарур кўргазма воситалари билан жиҳозланди.

Бундан ташқари, ахборот-ресурс маркази, 5 та катта маърузалар зали, 2 та конференциялар зали, 2 та талабаларга хизмат кўрсатиш маркази, юридик клиника ташкил этилди.

Янги йил байрами арафасида техникум биносининг фойдаланишга топширилиши маросимида Адлия вазирлиги ва вилоятдаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари, меҳнат фахрийлари, ОАВ ходимлари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар бугун мамлакатимизда ёшларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар ҳақида тўхталди.

— Президентимиз таъкидлаганидек, фарзандлари билимли, истеъдодли, ўзининг кучи ва салоҳиятига ишониб, доимо олдинга интилиб яшайдиган халқ ва давлатнинг истиқболи, албатта, ёруғ бўлади, — деди Қашқадарё вилояти ҳокими Муротжон Азимов. — Бугун мазкур соҳада амалга ошираётган барча саъй-ҳаракатларимиздан мақсад ҳам шунга қаратилган.

Иштирокчилар муассасада яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишиб, унинг моддий-техник имкониятларини юқори баҳолади.

**Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# Темир йўл транспорти: ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ МАНЗИЛЛАРИ

***Темир йўл транспорти йўловчи ва юкларни ташиш учун энг қулай, хавфсиз ва тежамкор ҳаракатланиш воситаси сифатида мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутади.***



## Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

### Истиқболли лойиҳалар — амалда

Мамлакатимизда темир йўл соҳаси ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўймоқда. Локомотив, юк ва йўловчи вагонлари парклари модернизация қилиниб, замонавий станциялар, муҳандислик иншоотлари барпо этилмоқда, янгидан-янги манзилларга темир йўл линиялари ётқизилмоқда. Шу билан бир қаторда, соҳада юқори малакали кадрлар тайёрлаш, ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти.

Темир йўл инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти томонидан жорий йилда тезюрар поездлар қатнови йўналишларини кенгайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, 465 километрдан иборат Бухоро — Урганч — Хива темир йўл участкаси тўлиқ электрлаштирилиб, мамлакатимиздаги электрлаштирилган темир йўл линияларининг улуши 48 фоизга етказилди. Темир йўлларни электрлаштириш лойиҳалари доирасида замонавий қурилмалар ва энергия тежовчи технологияларнинг ўрнатилиши атроф-муҳитга зарарли таъсирни камайтириб, эксплуатация харажатларини 30 фоизга қисқартирди.

Узунлиги 80,2 километр бўлган Шовот — Қораўзак темир йўл линияси ва Амударё орқали ўтувчи кўприкнинг фойдаланишга топширилиши эса йилнинг тарихий воқеасидир. Президентимиз 2020 йилнинг декабрь ойида Хоразм вилоятига амалий ташрифи чоғида фаоллар билан учрашиб, вилоятни Амударё орқали Қорақалпоғистон билан боғловчи темир йўл ва автомобиль кўприги қурилишини бошлаш бўйича топшириқ берган эди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси аҳоли томонидан катта иштиёқ билан қўллаб-қувватланди ва бу иш изчил амалга оширила бошланди.

Президентимиз бунёдкорлик ишларини доимий назорат қилиб борди, мазкур иншоотга шахсан ташриф буюрди. Натижада ўзининг техник жиҳатлари билан кишини ҳайратга соладиган узунлиги 423, эни саккиз метр бўлган бетакрор кўприк ҳамда Шовот ва Қораўзак станцияларини боғловчи 85 километрли темир йўл, шунингдек, учта вокзал барпо этилди. Ушбу стратегик объектлар ҳар куни 12 минг автомобиль ва 24 жуфт поезднинг ҳаракатланишини таъминлаш орқали юк ва йўловчиларни ташиш масофасини 240 километрга, йўл вақтини 6 соатгача қисқартириш имконини берди.



Жорий йилда, шунингдек, Андижон — Хонобод — Андижон ва Наманган — Чодак — Наманган йўналишлари бўйлаб Фарғона водийсидаги сайёҳлик масканларига йўловчи поездларнинг мунтазам қатновлари йўлга қўйилди. Тошкент — Сариосиё — Тошкент, Тошкент — Бухоро — Тошкент, Тошкент — Қарши — Тошкент ва Тошкент — Андижон — Тошкент йўналишларида қўшимча қатновлар ташкил этилди. Бундан ташқари, Тошкент — Москва — Тошкент ва Нукус — Манғистау — Нукус йўналишларида халқаро йўловчи поездлари ҳаракати бошланди.

### Йўловчилар учун қулайлик

Ҳаракатланувчи таркиб паркини янгилаш доирасида жорий йилда "Қуюв-механика заводи" АЖ ва Андижон механика заводи жамоалари томонидан 1006 та вагон ишлаб чиқарилди. Янги йўловчи вагонлари сони ҳам 30 тага кўпайди. Яқинда 586 ўринга мўлжалланган янги замонавий электропоезд харид қилиниб, Тошкент — Хўжакент — Тошкент йўналишида қатнов йўлга қўйилди.

Шу йил 6 декабрь куни давлат раҳбари бу поезд имкониятлари билан бевосита танишди.

Россиянинг Демиховский машинасозлик заводида ишлаб чиқарилган мазкур замонавий электропоезд ноябрь ойи охирида Ўзбекистонга олиб келинган эди. Бу 586 ўриндиқли ва умумий сиғими 1 минг 154 йўловчига мўлжалланган олти вагонли модель бўлиб, эски "ЭР9" серияли поездлардан 1,5 баравар кенгроқ. Поезд соатига 120 километргача тезликка эриша олади. Бу эса йўловчиларни манзилига 2 соат 15 дақиқада эмас, бир соатдан сал кўпроқ вақт ичида етказиш имконини беради.

Сафар чоғида Президент Тошкент ва Хўжакент ўртасидаги темир йўлга туташ ҳудудларни 2025 йилга мўлжалланган ободонлаштириш дастурига киритиш ва уларни тартибга солиш бўйича топшириқлар берди, тезюрар поездлар рейслари сонини кўпайтириш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш кўламини ошириш учун йўналишнинг айланма қисмларини тўғрилаш зарурлигини таъкидлади.

Янги йўловчи поездларининг ишга туширилиши ва вагонлар сонининг кўпайиши туфайли темир йўл транспортидан фойдаланувчилар сони 27,5 мингдан ошди.

Йўловчиларга хизмат кўрсатишни такомиллаштириш жараёнидаги асосий ўзгаришлардан бири электрон чипталар савдосининг жорий этилишидир. Бу нафақат қулайлик яратди, балки махсус бланклар учун харажатларни тежаш имконини ҳам берди. Электрон чипталар сотувининг 40 фоиздан 60 фоизга ошгани эса йўловчилар янги технологияларни қадрлаши ва улардан фойдаланишга тайёр эканликларидан далолат беради.

### Бунёдкорлик ишлари давом этади

Катта салоҳиятга эга "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг кўп сонли жамоаси соҳани янада ривожлантириш бўйича янги режаларни белгилаб олган. 2025 йилда Бухоро — Урганч — Хива участкасини электрлаштириш лойиҳаси доирасида иқтисод қилинган маблағ ҳисобидан узунлиги 196 километр бўлган Мискин — Нукус участкасини электрлаштириш ишлари бошланади ва буни 2026 йил охиригача якунлаш режалаштирилган.

Ҳаракатланувчи таркибни янгилаш мақсадида Жанубий Кореянинг "Hyundai Rotem" компанияси билан олтита тезюрар электропоезд харид қилиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича шартнома имзоланди. Улар 2027 йилдан Тошкент — Самарқанд — Бухоро — Хива йўналишида ҳаракатлана бошлайди.

Тез орада узунлиги 486 километр бўлган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши лойиҳасини амалга ошириш бошланади. Унинг фойдаланишга топширилиши савдо, туризм, саноат ва бошқа соҳаларни ривожлантириш учун янги имкониятлар яратади. Яқинда Қирғизистонда лойиҳани ишлаб чиқиш, қуриш, молиялаштириш, ундан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича инвестиция шартномасини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Соҳани ривожлантиришда яна бир муҳим ҳужжат — Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 27 ноябрь куни "Темир йўл транспорти тўғрисида"ги янги Қонун имзоланди. 2025 йил бошидан кучга кирадиган мазкур ҳужжат иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, транспорт соҳасида тадбиркорлик фаолияти учун шарт-шароит яратиш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва темир йўл транспорти соҳасида халқаро ҳамкорликни такомиллаштиришга қаратилган. Қонунга янги моддалар, жумладан, темир йўл ташувчисига етказилган йўқотишлар ва зарарларни қоплаш билан боғлиқ қоидалар киритилган.

**Сергей ЛЕВЧЕНКО**
**(«Халқ сўзи»).**

Рағбат

# ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ ЭЪТИРОФГА МУНОСИБ

*Пойтахтимизда "Маданият ва санъат фидокори" кўкрак нишонини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда инсон қалби, онги ва тафаккурини эзгу ғоялар асосида шакллантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган жонкуяр соҳа ходимлари фаолияти эътироф этилди.*

Тадбирда миллий маданият ҳамда санъатимизни ривожлантириш, нуфузини жаҳон миқёсида оширишга муносиб ҳисса қўшган, шунингдек, маданий-маърифий тадбирларнинг юқори савияда ўтишида фидокорона меҳнатини аямаган юртдошларимизнинг 45 нафарига "Маданият ва санъат фидокори" кўкрак нишони тантанали топширилди.

Айтиш жоизки, жорий йил давомида соҳанинг 300 дан зиёд фидойи вакиллари ушбу кўкрак нишонига лойиқ топилган.

**«Халқ сўзи».**

РЕКЛАМА

**Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги**

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

вакант (бўш) профессор-ўқитувчилар лавозимига танлов эълон қилади.

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Толали материалларни дастлабки ишлаш | доцент |
| 2. | Механика муҳандислиги | профессор |
| 3. | Ўзбек ва хорижий тиллар | катта ўқитувчи, ассистент |
| 4. | Меҳнат муҳофазаси ва экология | кафедра, мудири, доцент, катта ўқитувчи |
| 5. | Ижтимоий фанлар ва жисмоний маданият | доцент, катта ўқитувчи |
| 6. | Чарм ва пойабзал муҳандислиги | кафедра мудири, доцент, ассистент |
| 7. | Ипак ва йигириш технологияси | профессор, доцент |
| 8. | Бухгалтерия ҳисоби ва маркетинг | ассистент |
| 9. | Иқтисодиёт ва менежмент | катта ўқитувчи, ассистент |
| 10. | Кимё ва матбаа муҳандислиги | профессор, доцент |
| 11. | Тикув буюмлар технологияси ва рақамли инжиниринг | ассистент |
| 12. | Табиий фанлар | доцент |
| 13. | Олий математика ва компьютер графикаси | ассистент |
| 14. | Автоматлаштириш ва дастурий инжиниринг | ассистент |
| 15. | Тўқимачилик матолари технологияси | профессор, доцент , ассистент |
| 16. | Материалшунослик ва стандартлаштириш | профессор, доцент |
| 17. | Мода ва дизайн | катта ўқитувчи |
| 18. | Қўшма таълим дастурларини мувофиқлаштирувчи бўлими Париж халқаро мода академияси (Франция AICP) | ассистент |

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар ректор номига ариза билан бирга, кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, дипломлар ва аттестатлар нусхалари, илмий ишлар ҳамда ихтиролар рўйхати, малака оширганлик тўғрисида ҳужжатлар нусхаларини топшириши лозим.

Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

Эслатма: мазкур институтда ишловчи шахслар ўтган муддат бўйича кафедрада ҳисобот беради, танловда иштирок этувчилар синов дарслари ўтказади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шоҳжаҳон кўчаси, 5-уй, 1-бино, 208-хона. Телефон:. 71-253-17-78.**




**Пойтахтимизда «Ўзбегим — 2024» миллий тақдимотининг тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1242. 10 909 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Мамиров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.30 Топширилди — 01.25 1 2 3 4 5 6